

## **ДИСПЕРС СИСТЕМАНИНГ КИНЕМАТИК ПАРАМЕТРЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛИ**

**У.Р.Чоршанбиев**

*Тошкент давлат транспорт университети докторанти*

**Ж.Т.Озоджонов**

*Тошкент давлат транспорт университети баклабриат талабаси*

**А.Ж.Обиджонов**

*Тошкент давлат транспорт университети докторанти*

**А.Р.Бабаев**

*Тошкент давлат транспорт университети доценти, Phd*

**Аннотация:** Қувурларда қаттиқ заррачаларнинг муаллақ ҳолатда ҳаракатланиши – турли хил сув хўжалиги мақсадлари учун мўлжалланган гидроиншиотларни ҳамда саноат ишилаб чиқарии, энергетика, қурилиш ва коммунал хўжаликларида қўлланадиган гидроэнергетикларни ҳисоблашда ва эксплуатациясида шубҳасиз инженерлик нуқтаи назардан қизиқши уйготади. Муаллақ ҳолатда бўлган ва суюқлик ёки газ билан бирга ҳаракатланаадиган қаттиқ жисмлар икки фазали оқимни ҳосил қиласди.

**Калит сўзлар.** Дисперс система, тезлик, қовушиқоқлик, гидротранспорт, ҳаракат режими.

**Кириш.** Қаттиқ жисмнинг ҳаракатланиши ёки атрофидан суюқлик оқими айланиб ўтиши натижасида қўшимча гидравлик қаршиликлар юзага келади. Шунинг учун заррачага таъсир этувчи кучларни, ҳамда шу кучлар сабабли механик энергия сарфларини аниқлаш асосий масала бўлади. Ушбу масаланинг очилиши суюқлик ва газ оқими таркибидаги қаттиқ жисмларни ҳаракатланиши билан чўкиш ходисалари содир бўладиган гидравлик тизимларни ҳисоблаш масаласига ўтишга имкон яратади.

Лойқали оқим ҳам напор билан, ҳам напорсиз ташилиши мумкин. Лойқали оқимнинг напорсиз ҳаракати қувурларда, напорсизи эса очик ўзанларда (лотоклар, тарновлар, каналлар, напорсиз қувурлар) амалга оширилади. Суюқликнинг ҳаракатланиши жараёнидагидек, асосий мақсад лойқали оқимни ҳаракатлантириш учун сарфланадиган механик энергияни, қувур ва ўзанлар ўлчамларини, энг мақбул сарфларни аниқлашдан иборат [1-2].

Қаттиқ заррачаларнинг муаллақ ҳолатда ташилиши, одатда ҳаракатнинг турбулент режимига хосдир. Оқим кинематикасига ундаги қаттиқ жисмларни мавжудлиги ва концентрацияси таъсир этади. Қаттиқ жисмлари муаллақ юрган суюқлик оқими кинематикаси суюқлик тезликларининг пульсацияловчи тузилмалари характеристи ва миқдори ҳамда оқим кесими бўйлаб қаттиқ заррачаларни тақсимланиши билан белгиланади.

Қаттиқ жисмлари муаллақ бўладиган суюқлик ҳаракати оқимнинг маълум ўртacha тезлиги  $\vartheta$  да амалга ошади, аммо қаттиқ жисмларнинг ҳаракат тезликлари  $u_r$  ушбу тезликдан фарқ қиласди. Маълумки, турбулент ҳаракатдаги тезлик пульсациялари  $u_x^{'}, u_y^{'}$ ,  $u_z^{''}$  ўртacha тезликнинг 14% гача бўлган тезликда ҳаракатланиши мумкин. Шуни айтиб ўтиш жоизки, пульсацияни маълум массага эга қаттиқ жисмларга бўлган таъсири ташувчи суюқликка кўрсатган таъсирига нисбатан камроқ бўлади. Турбулент оқимда муаллақ юрган заррачаларнинг ҳаракати суюқликдаги пульсациянинг шиддатига боғлиқ. Қаттиқ зарралар суюқ муҳитнинг турбулент пульсациясидан таъсиранади. Суюқликнинг турбулент араласиши, тезлик ва босимнинг пульсацияланиши натижасида оқим ташувчи қаттиқ зарралар муаллақ ҳолатда ушлаб турилади. Муаллақ ҳолатда юрган заррачалар ўлчамига ҳамда уларни ташувчи суюқлик ҳажмига кўра қаттиқ зарраларнинг муаллақ ҳолатда ҳаракатланиши турли хил характерга эга бўлиши кузатилади [3-5].

Агар заррачанинг массаси анча катта бўлса, у оқим тубига чўкиб, тинч ҳолатда ётади ёки у ерда думалаб ҳаракатланади. Бундай жараён қувурлардаги босимли оқимларда ҳам, муаллақ заррачаларни ташувчи суюқликлар напорсиз ҳаракатланаётган очик ўзанларда ҳам кечиши мумкин.

Муаллақ заррачаларни ташувчи суюқликлар оқим ҳаракатланишининг физик жараёни ўта мураккаб жараёндир. Ватанимиз ва хориждаги турли муаллифлар тадқиқотлари шуни кўрсатадики, муаллақ заррачаларни ташувчи суюқлик ҳаракатининг физик жараёнини назарий таърифланиши ўта мураккаб ҳамда тақрибий характерга эга.

Муаллақ заррачаларни ташувчи суюқликларнинг гидродинамик тавсифига қаттиқ жисмларнинг гидродинамик йириклиги  $u_0$  ҳам киради. Бундай суюқликлар оқимининг напорли ва напорсиз ҳаракати вақтида анча йирик заррачалар ўзан туби (деворлари)га чўкиб қолиши мумкин. Муаллақ заррачалар ўзан тубига чўкиши рўй берадиган оқимнинг ўртacha тезлиги критик тезлик ( $\vartheta_{kp}$ ) дейилади. Оқимнинг қувур тубидан кўтариувчи қаттиқ заррачалар ҳаракатланадиган энг кичик тезлиги жойдан қўзғалиш тезлиги  $\vartheta_{tp}$  деб ном олган.

Сувдаги қаттиқ заррачалар лойқали оқимни ҳосил қиласди. Лойқали оқим деб, майда сунъий ёки табиий йўл билан майдаланган ва сув билан аралашган материалга айтилади. Агар заррачалар оқимда муаллақ ҳолатда сақланиб турган бўлса, лойқали оқимни Ньютон суюқлиги сифатида ҳам қабул қилиш мумкин. Лойқали оқимнинг қувурдаги ҳаракатини кузатишда унинг концентрациясини қувур кесими бўйича тақсимланишини кўриш мумкин. Оқим тезлиги катта бўлган ҳолларда қаттиқ заррачалар кесим бўйича бир маромда тақсимланиши ва бунда лойқали оқим тузилмаси бир хил деб ҳисоблаш мумкин бўлади. Оқим тезлиги камайганда йирикроқ заррачалар оғирлик кучи ҳисобига қувур тубига қараб ҳаракатланади ва бу ерда қаттиқ заррачалар концентрацияси ошиб боради.

Қувурда лойқали суюқлик ҳаракатини ўрганишга оид тажриба ишлари натижасида лойқали оқимнинг қуидаги ҳаракат турлари кузатилди:

- сирпанувчи қатламлар кўринишида, қаттиқ заррачалар қувур тубида оқим узунаси бўйлаб ҳаракатланади (сирпанади);


- тўлқинлар кўринишида, заррачалар қувур тубида тўлқинсимон ҳолатда чўкади.

Қатлам юзасига яқин жойлашган заррачалар тўлқинлар юзи бўйлаб ҳаракатланади, тўлқинлар эса лойқали оқим оқими йўналиши бўйлаб жуда кичик тезлик билан ҳаракатланади.

Агар оқим тезлиги янада камайиб борса, қувур тубида чўкиндилар, лойқа қатлами ҳосил бўлади. Бу қатлам қувур тубида ҳаракатсиз ётган қаттиқ жисмлардан ташкил топади. Бундай қатлам устидан заррачалар сирпанувчи қатламлар ёки тўлқинлар кўринишида ҳаракатланиши мумкин, майда заррачалар эса муаллақ ҳолатда бўлади. Лойқали суюқлик ҳаракатланишида напорнинг гидравлик йўқотишлари сув ҳаракатланишидаги йўқотишларидан фарқ қиласи, ва лойқали оқим турига боғлиқ бўлади. Ҳаракатнинг бир туридан бошқасига ўтиши оқимнинг маълум ўртacha тезлигига тўғри келади.

1-расмда ўртacha тезлик  $\vartheta$  ва заррачаларни кесим бўйича концентрацияси  $C_0$  га кўра қувурдаги солиширма гидравлик қаршилик  $I$  нинг ўзгариш графики

$$I = \frac{h_w}{l}$$
, бунда  $h_w$  – гидравлик йўқотишлар,  $l$  – қувур узунлиги).



*1-расм. Дисперс система концентрациясини қувур кесими бўйлаб тақсимотида солиширма гидравлик қаршилик ўзгариши*

Қаттиқ зарраларни муаллақ ҳолатда ташувчи оқим ҳаракати турларининг тўртта ўзига хос зоналари графикда ажратиб кўрсатилган.

**Биринчи зона (1)** – доимий лойқа қатламга эга қувурда таркиби бир хил бўлмаган оқимда оқиш тури,  $\vartheta < \vartheta_1$ .

Тезлик  $\vartheta_1$  – қувур деворларида лойқа қатлами түпдана бошлайдиган тезлик.  $\vartheta_1 < \vartheta$  бўлганда доимий лойқа қатлам ҳосил бўлади.

**Иккинчи зона (2) –  $\vartheta_2 > \vartheta > \vartheta_1$**  чегараларида жойлашади.

$\vartheta > \vartheta_1$  да қаттиқ жисмлар думалаб, сакраб–сакраб ҳаракатлана бошлайди, бунда қувур тубида сирпанувчи қатлам ёки тўлқинларни ҳосил бўлиши кузатилади. Тезлик  $\vartheta_2$  қадар ортиши натижасида заррачаларнинг сирпанувчи қатлами ва тўлқинлар йўқ бўлиб кетади.

**Учинчи зона (3) –  $\vartheta_3 > \vartheta > \vartheta_2$**

Бу таркиби бир хил бўлмаган оқимнинг оқиш турига боғлиқ.

**Тўртинчи зона (4) –  $\vartheta > \vartheta_3$ .**

Бундай ҳолларда катта тезлик  $\vartheta$  ларда тезлик ва босимнинг пульсацияси ҳисобига концентрация қувур кесими бўйича етарли даражада тенг тақсимланганда, таркиби бир хил оқимлар ҳосил бўлади.

Солиширма гидравлик йўқотишлар  $i_s$  нинг минимумига муаллақ заррачаларни ташувчи оқим ҳаракатини 2-зонасидаги  $\vartheta_1$  ва  $\vartheta_2$  тезликлар оралиғида бўлган критик тезлик  $\vartheta_{kp}$  мос келади.

Қувурда гидравлик йўқотишларни ва ундаги ҳисобий сарфларни аниқлашда тезлик  $\vartheta_{kp}$  асосий гидродинамик параметр ҳисобланади.

Қаттиқ материаллар заррачалари миқдорига кўра лойқали оқимлар қумли, қумли-шағалли, шлакли, кулли, кўмирли, торфли ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

Лойқали оқимларнинг параметрларига лойқа заррачаларининг таркибий қисмининг таъсири алоҳида аҳамиятга эга. Лойқали оқимлар одатда маълум ўлчамга эга заррачаларга қараб таснифланади. Заррачалар ўлчами 0,15 мм гача бўлса, лойқали оқим кичик дисперсли ёки суспензия ҳисобланади.

Ўрта дисперсли заррачалари ўлчамлари 0,15 дан 2 мм гача ўзгарса, йириклиги 2 мм ортиқ бўлганида полидисперс лойқали оқим ҳисобланади.

Қаттиқ заррачалари ҳажм бўйича тенг тақсимланган оқим гомоген дейилади. Бу оқимда заррачалар ўлчамлари кичик бўлиб, лойқали оқим анча юқори ҳажмий концентрацияга эга бўлади.

Бунақа оқим ньютон суюқликларига мос ва суспензия кўринишида бўлади. Уларга оқова сувлар чўкиндиларини ҳаракатга келтирувчи оқимларга киради.

Қаттиқ фазанинг нисбий тезлиги - суюқ заррада унинг турбулент ўтказувчанлиги концепциясидан келиб чиқади, бунда қаттиқ зарралар ва оқимнинг суюқ таркибий қисми ҳар хил тезликда ҳаракатланади. Суюқликдан қаттиқ фазанинг чўкиш катталиги кўп кўрсаткичларга боғлиқ, булардан энг асосийси зарраларнинг гранулометрик таркибидир.

Суюқлик ва қаттиқ фазалар тезлигидаги фарқ туфайли ва дисперс лойқали оқимга қаттиқ зарраларнинг араласиши таркиби оқимнинг ўртача тезлигига, зарраларнинг донадорлигига, зичлигига, концентрациясига қараб дисперс –лойқали оқим учта шаклга эга бўлиши мумкин:

- қувур линиясининг пастки қисми бўйича ҳаракатланиш;
- тўсатдан ҳаракатланиш;
- қаттиқ заррали оқим биргаликда суюқлик ҳаракатланиши.

Баъзи ҳолларда айланма ҳаракат, айниқса кичик заррачаларга хос бўлган ва Магнус эфектигининг пайдо бўлиши билан изохланадиган транслация ҳаракатига нисбатан устунлик қиласи, аммо экспериментал маълумотларда кўрсатилганидек, қаттиқ зарралар ҳаракати турига асосий таъсир ўртacha оқим тезлиги ва заррачалар ҳажми омиллари билан тавсифланади.

Ҳар хил қаттиқ материалларнинг гидравлик аралашмаларида гидротранспортнинг турли шароитлари учун олинган мавжуд ҳисоблаш формулалари асосан эмпирик ва ярим эмпирикдир. Тадқиқотларнинг турли усуллари ва уларни амалга ошириш шартлари бир қатор аниқ ҳолатларда зиддиятли натижаларга олиб келади. Тадқиқотчиларнинг бир қисми критик тезлик қийматини визуал равишда аниқлайди, бошқалари эса минимал босим йўқотиш қийматидан график–аналитик усул ёрдамида аниқлайди. Критик тезликни экспериментал аниқлашларда турли хил ёндашувлар охир-оқибат, уни назария ва амалиётда қўллашни қийинлаштирадиган турли хил натижаларга олиб келади.

Бир хил ва майда донадорликдаги қаттиқ зарралар гидротранспортида 10-15 % дан кам бўлган концентрацияда критик тезлик режимида минимал босим йўқотилиши кузатилади. Концентрациянинг ортиши билан маълум шароитларда минимал йўқотишлар критик тезликнинг қийматлари ортишини кўрсатади ва юқори концентрацияли майда донадорликдаги қаттиқ зарраларни гидротранспортида критик тезлик тушунчаси амалда ўз маъносини йўқотади.

Критик тезлик бир қатор параметрларнинг бир даража ёки бошқа даражадаги функцияси бўлиб, лойқали оқимни тавсифлайди:

$$\vartheta_{kp} = f(d_0, \rho_s, \rho_h, D, C, V_m) \quad (1)$$

Критик тезликнинг заррачалар ўртacha диаметрига боғлиқлигини ўрганиш шуни кўрсатадики, қаттиқ зарра донадорлиги тезлик қийматини заррача катталигининг маълум чегаравий қийматига таъсир қиласи.

Муаллақ заррачаларни ташувчи оқимнинг шаклланган ҳаракатида  $z$  ўқини кузатилаётган оқим тарафига йўналтирамиз:

$$\left( \frac{dp}{dz} \right)_{kp} = \frac{2\tau_0}{R} \quad (2)$$

Бу tenglama физик жиҳатдан лойқали оқим элементига қўйилган кучлар мувозанатини ифодалайди.

Лойқали оқимнинг ўртacha ҳаракат тезлигини  $\vartheta$  билан ифодалаб,  $\vartheta$  учун ва бошқа ишларга асосланган ҳолда қуйидагини ҳисоблаб топамиз:

$$\tau = \rho_0 \frac{\lambda_c \vartheta^2}{8}. \quad (3)$$

Диссертациянинг биринчи бобида кўрсатиб ўтилганидек, оқимнинг муайян ҳаракат тезликларида маълум катталиқдаги қаттиқ заррачаларни оптималь диаметр деб номланган маълум ўлчамларида тўлиқ муаллақ ҳолатга келтириш мумкин, оқим тезлигига кўра энг мақбул диаметрни аниқлаш учун қуидаги боғланиш таклиф этилган:

$$d_0 = \sqrt{\frac{18\mu\vartheta \frac{1}{\rho g} \frac{dp}{dz}}{g(\rho_t - \rho)}}. \quad (4)$$

Бажарилган ишлар таҳлилидан оқимнинг айнан шу гидравлик йириклидаги заррачалар ташувчи суюқлик тезлиги билан ташила бошланадиган ўртacha тезлиги ҳақида бизга маълум.

Шундай қилиб,  $\left(\frac{dp}{dz}\right)_{kp}$  босимнинг чекли градиенти лойқали оқимларни қувурдаги

барқарор (войка билан тўлиб қолмасдан) ҳаракатланиш режими шартидан аниқланиши лозим.

Шунда [1] ва б. мувофиқ қуидагича аниқланади:

$$\frac{dp}{dz} = \frac{d_0^2 g (\rho_t - \rho) g V}{18\nu} \quad (5)$$

Олиб борилган тадқиқотларда критик тезликнинг заррачаларнинг ўртacha диаметрига боғлиқлигини ўрганиш шуни кўрсатадики, қаттиқ зарра донадорлиги тезлик қийматини заррача катталигининг маълум чегаравий қийматига таъсир қиласди. Критик тезлик миқдорини баҳолашда қаттиқ заррачалар гранулометрик таркибиغا алоҳида инобатга олиш лозимлиги қайд этилган.

Юқорида баён этилганларга таяниб, қаралаётган оқим учун ишқаланиш ва босим кучларининг мувозанатидан келиб чиқиб критик тезлик учун қуидаги ҳисоблаш формулалари таклиф этилган:

бир хил диаметрли қаттиқ заррача лойқалик оқим учун критик тезлик:

$$\vartheta_{kp} = \sqrt[3]{\frac{D}{\mu \lambda}} \sqrt[3]{d_i^2} \quad (6)$$

турли хил диаметрли қаттиқ заррача лойқалик оқим учун критик тезликни қуидагича топишни таклиф берамиз:

$$\vartheta_{kp} = \beta \cdot \sqrt[3]{\frac{D}{\mu \lambda}} \sqrt[3]{d_i^2} \quad (7)$$

Бунда  $\lambda_{\eta}$  - лойқали оқимнинг гидравлик ишқаланиш коэффициенти;  $\beta$  - қаттиқ заррачаларниң ҳар хил ўлчамларини инобатга оловчи коэффицент;  $d_i$  - қаттиқ заррача диаметри;  $D$  - қувурнинг диаметри;  $\mu_{\eta}$  - лойқали оқим динамик коэффициенти.

Қаттиқ заррачаларниң ҳар хил ўлчамларини инобатга оловчи коэффицент қуидагича аниқланган:

$$\beta = f\left(\frac{d_{10}}{d_{90}}\right)$$

Бу ерда:  $d_{10}$  ва  $d_{90}$  - мос равища қаттиқ заррачанинг фоиздаги миқдори,  $d_{10}$  ва  $d_{90}$  - қаттиқ заррачанинг гранулометрик таркиби асосида аниқланади.

Шундай қилиб, напорли қувурларда лойқали мұхит ҳаракати назариясининг маълум имкониятларидан фойдаланиб, таклиф этилаётган критик тезлик орқали қаттиқ заррачалар гидротранспорти гидравлик параметрларининг ҳисобий боғлиқликлари таклиф этилган.

Лойқали оқимнинг критик тезлигини аниқлашда гидравлик ишқаланиш коэффициенти тажрибалар асосида аниқланган.

Бунинг учун қувурларнинг гидравлик ҳисобини тажрибалар асосида аниқлаш формуласидан сарф коэффициенти қуидагича аниқланган:

$$\mu = \sqrt{\frac{1}{\lambda l}} . \quad (8)$$

Юқоридагилардан келиб чиқиб, напорли қувурдаги гидравлик ишқаланиш коэффициентини аниқлаш қуидаги формула асосида бажарилади:

$$\lambda \frac{l}{D} = \frac{1}{\mu^2} \quad (9)$$

Кейин гидравлик ишқаланиш коэффициентини аниқлаш учун қуидаги боғлиқликка әгамиз:

$$\lambda = \frac{D}{l} \left( \frac{1}{\mu^2} \right) \quad (10)$$

Шундай қилиб, лойқали оқимнинг гидравлик ишқаланиш коэффициентини тажрибада аниқлаш учун янги боғланиш таклиф этилди (10). Ушбу формуланинг таҳлили маҳсус бажарилган экспериментлар асосида амалга оширилган. Экспериментлар маҳсус яратилган лаборатория қурилмасида олиб борилди.

Юқорида келтирилган ҳаракат шаклларининг биринчиси ўртача диаметри бир неча миллиметрға teng бўлган жуда кенг тарқалган дисперс қаттиқ зарралар учун кузатилади.

Математик тавсиф учун ҳаракатнинг иккинчи шакли энг мураккабдир, чунки ҳозирги кунга қадар бундай курсни тўлиқ тадқиқ этиш етарли даражада эмас эди.

Биринчи марта Данел ва Дюран қаттиқ зарраларанинг бундай харакат турига эътибор қаратдилар.

Тезликлар фарқини ифодаловчи оддий мисол - бу қувурнинг чиқиш жойида ва унинг узунлиги бўйича кўндаланг кесими бўйича лойқали оқимнинг зичлиги билан ҳарактерланади.

Турли хил лойқали оқимлар учун олинган қийматлар бир биридан фарқ қиласди. Ўлчов мосламалари, алохида фазаларнинг ташиш тезлигига эмас, балки қаттиқ фазаларнинг массасининг миқдорига мосланган. Бунга асосланган қаттиқ материал ва суюқликнинг умумий массаси оқимнинг узулуксизлиги бир хил бўлади, аммо аралашманинг хажмидаги таркиби бошқача бўлади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

9. Крайко А.Н., Стернин Л.Е. К теории течения двухскоростной сплошной среды с твердыми или жидкими частицами // Прикл. математика и механика. -1965.-29, вып.3-С.418-429.
10. Криль С.И. Напорные взвесенесущие потоки. Киев:Наук. думка,1990.-160с.
11. Колесникова Т.В. Гидравлика пневмобарьерных комплексов бесплотинных водозаборов насосных станций на равнинных реках. - Владикавказ: Сев. Осетин. гос. ун-т, 1998. - 193 с.
12. Modification of dispersed systems and its effect of the internal corrosion of hydrotransports Umar Chorshanbiev, Ahmadjon Ibadullaev, Durdonna Toshpulatova, Askar Babaev and Baxadir Kakharov E3S Web Conf., 383 (2023) 04032 DOI: <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202338304032>
13. Rakhimov, K., Babaev, A., Chorshanbiev, U., & Obidjonov, A. (2021). Modification of dispersion systems and its motion in cylindrical pipes. In E3S Web of Conferences (Vol. 264, p. 03026). EDP Sciences.
14. Umar, C., Akhmadjan, I., Askar, B., & Sultanmurod, K. (2022). Theoretical analysis of reduction of pressure and energy loss due to pipe friction through modification of dispers systems. Universum: технические науки, (8-3 (101)), 28-32.
15. Чоршанбиев, У. Р. Ў., Ибадуллаев, А., Бабаев, А. Р., & Махкамов, Д. А. У. (2022). Дисперс системалар қовушқоқлигининг гидротранспорт тизимларидағи ишчи қурилмаларга таъсирини хисоблаш. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 1), 678-681.
16. Ibadullaev, A., Teshabayeva, E., Kakharov, B., & Babaev, A. (2022, June). Elastomeric materials based on new ingredients. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2432, No. 1, p. 030021). AIP Publishing LLC.
17. Омондавлатов, С. С., Обиджонов, А. Ж., & Бабаев, А. Р. (2022). Темир йўл корхоналари оқова сувларини тозалаш усувлари. Scientific aspects and trends in the field of scientific research, 1(5), 109-113.

18. Тухтаров, Н. Н., Бабаев, А. Р., Обиджонов, А. Ж., & Чоршанбиев, У. Р. (2023). Саноат корхоналари оқова сувлар таркиби, уларнинг ҳосил бўлиш жараёнлари, корхона сув истеъмоли сарфи. *Theory and analytical aspects of recent research*, 1(12), 146-151.